# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 24 декабрь, № 247 (6430) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2016 йилнинг февраль — март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2016 йилнинг март — апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 декабрь

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

## Ижтимоий шериклик ва манзилли дастурлар

### ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда

Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонларга ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ҳамда жамиятда ва ёшларни миллий қадрият ҳамда анъаналар руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Чунончи, 2015 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ва шу муносабат билан тасдиқланган Давлат дастурининг айни чоғда изчил рўёбга чиқарилаётгани жамоатчиликнинг кекса фуқаролар ҳаётига бўлган эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Конституциямиз, у асосда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар отахону онахонларга ғамхўрлик ва диққат-эътиборни кучайтириш, уларнинг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий кўмак бериш тизимини такомиллаштиришда муҳим омил бўляпти. Биргина жорий йилда ушбу саъй-ҳаракатларга 2 триллион 246 миллиард сўм ҳамда 225 миллион АҚШ доллари сарфлангани бунинг амалий ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистон Конституцияси кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир»

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдураҳмон бин Абдуллоҳ аш-Шайа "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

— Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳасида, шу жумладан, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар учун мамлакатнинг Асосий Қонуни мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Республика қонун устуворлигини ҳамда қонун олдида фуқароларнинг тенглигини таъминлашга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, одамлар ва жамият ҳаётида жамоат тузилмаларининг ўрни тобора ортиб бораётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш борасида улкан ютуқларга эришаётган дунёдаги саноқли давлатлардан биридир. Сўнгги 11 йил мобайнида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этаяпти. Шубҳа йўққи, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон етакчиси томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни изчил жорий қилиш орқали мамлакат ана шундай ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Шу аснода мазкур модель ва унда акс этган тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш туфайли Ўзбекистон эски маъмурий-режалаштириш тузумидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ҳеч бир қалқишларсиз ўтишга муваффақ бўлди.

Республикада барча жабҳада ҳар томонлама ижтимоий йўналтирилган сиёсат амалга оширилаётир. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида бюджет харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани юқоридаги фикрнинг амалдаги исботидир, десам, муболаға эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон оналар ҳамда болалар саломатлигини таъминлаш, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш сингари соҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларига оид масалалар аниқ-равшан ўз аксини топган. Жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситаларига алоқадор масалалар юзасидан ҳам худди шундай дейишимиз мумкин. Уларнинг барчаси мамлакат Асосий Қонунида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нақадар жиддий эътибор қаратилганидан далолат беради.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ҳамда элат, 16 диний конфессия вакиллари ўзаро аҳиллик ва бирдамликда истиқомат қилишмоқда. Мамлакатингиз Конституцияси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат, элат ҳамда диний эътиқодлар вакилларининг тиллари, одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### саноат тармоқларининг самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга



**ИЗЛАНИШ**

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, инвестиция сиёсатининг пировард мақсадларидан бири маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишловчи, юқори унумли, замонавий ва тежамкор технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат. Ана шунда ички бозорни ўзимизда тайёрланган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, юртимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш учун имкониятлар кенгаяди. Бу борада тоғ-кончилик, металлургия, машинасозлик, нефть-газ, кимё саноати корхоналарида олиб борилаётган ишлар самараси ана шундан далолат бераётир.

Тошкент вилоятида "Энергия самарадорлигини ошириш, тежамкор технологиялар ва тизимларни жорий этиш" мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий семинарида шу ҳақда сўз борди.

Таъкидлаш керакки, вилоятдаги бир қатор йирик саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш жараёнларига электр энергиясини тежовчи технологияларни қўллаш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада ҳудудда қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб олиш, қайта ишлаш борасида юқори самарадорликка эришилаяпти.

Анжуман иштирокчилари — мамлакатимизнинг кончилик, металлургия, машинасозлик, энергетика, нефть-газ, кимё соҳасидаги йирик саноат тузилмалари, таъминотчи корхона ва ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, банк-молия муассасалари вакиллари ушбу жараён билан яқиндан танишдилар. Хусусан, улар "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришда энергия ресурслари, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича татбиқ этилган янги лойиҳалар ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Тадбирда, шунингдек, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси каби бир қатор тузилмалар мутасаддилари, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, олим ва тадқиқотчиларнинг замонавий тежамкор технологиялар истиқболига бағишланган маърузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

## Яңгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Гулистон шаҳридаги калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Мили Гулистон текстиль" қўшма корхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 4 миллион 781 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.*

### Корхона маҳсулотлари экспортга

Бунда тўқув цехларининг илғор дастгоҳлар билан жиҳозлангани қўл келди. Ҳозир корхонада икки турдаги калава ип тайёрланаяпти.

— Йил бошидан буён 2 минг 711 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Равшан Ғаниев. — Шу кунларда хорижлик ҳамкорларимиз буюртмалари бўйича иш олиб бораяпмиз. Бу эса бизга йил охиригача экспорт кўрсаткичимизни янада ошириш имконини беради.

Таъкидлаш ўринлики, ҳозир Сирдарё вилоятида хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган 68 та корхона фаолият юритмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Гидроиншоот ишга туширилди

*Зарафшон дарёсининг Навоий вилоятидан оқиб ўтувчи қисмида бир сонияда 638 куб метр сувни тақсимловчи гидроиншоот ишга туширилди.*

Мазкур тўғонни барпо этиш учун "Шарқ қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 5,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

— Бу иншоот минглаб гектар экин майдонини суғорувчи Навкар ва Конимех каналларини обиҳаёт билан таъминлайди, — дейди вилоят 24-сон қурилаётган корхоналар бирлашмаси дирекцияси раҳбари Ҳикмат Амонов. — Шунингдек, зарур ҳолларда тўғоннинг сув ўтказиш қобилиятини сониясига 440 куб метрга етказиш имконияти вужудга келди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Аҳоли эҳтиёжлари учун

*Нукус шаҳрида лойиҳа қиймати 1 миллиард 600 миллион сўмлик "Нукус нон маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, ҳудуд аҳлига кунига 3 тоннагача 5 турдаги неъматлар етказиб бериш йўлга қўйилди.*

— Корхонамиз хорижнинг энг замонавий технологиялари билан жиҳозланган, — дейди унинг раҳбари Тамара Сапаева. — Мазкур ускуналарнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар ёрдамида асосий масаллиқ — хамир тез етилади. Бу эса буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда қўл келаётир. Айни пайтда жамоамиз сафига қабул қилинган ўн тўрт нафар ишчи-мутахассис саъй-ҳаракати билан ойига 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришаяпмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётига қарийб

**16 миллиард**

**АҚШ доллари қийматида инвестиция киритилди.**



*Ушбу маблағлар юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, саноатни жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳамда унинг таркибини тубдан янгилашга қаратилган лойиҳалар ижросига йўналтирилгани, пировардида иқтисодиётимизнинг рақобатдошлиги ошишига хизмат қилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.*

## Меҳнат муҳофазаси

### Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ушбу масалага бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

**АНЖУМАН**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бош прокуратура, Марказий банк, вазирлик ва идоралар, ҳамкор ташкилотлар, иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, жорий йилда аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиб, муайян натижалар қўлга киритилди. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш кучайтирилиб, фуқаролардан келиб тушган 7 минг 866 та мурожаат кўриб чиқилди. Шундан 89 фоизи ариза берганлар фойдасига ҳал қилинди. Касаба уюшмалари томонидан судларга киритилган 115 та даъво аризаси, иш берувчиларга киритилган 463 та тақдимнома қаноатлантирилиб, 1 минг 438 нафар фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш йўналишида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 6 минг 100 та корхонада ташкил этилган 42 минг 500 та янги иш ўрнининг ҳаққонийлиги ўрганилди. Шу билан бирга, 387 минг нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилиши ва 5 минг нафарининг иш жойларида қўнимлилиги назоратга олинди. Фермер хўжаликларида фаолият юритаётган 1 миллион 30 минг нафар ходимга меҳнат дафтарчалари очилди.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон Конституцияси кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон парламенти ўзининг юқори ҳамда қуйи палаталари тимсолида мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини мужассам этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Олий Мажлис ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга, давлат ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 2014 йилнинг декабрида Ўзбекистонда парламент сайловлари муваффақиятли ўтказилганлигини ҳам таъкидлашни истар эдим. Ўзбекистондаги сайловлар тизими халқаро меъёр ва талабларга мос равишда сайловчилар ҳамда номзодлар учун теппа-тенг қулайликларни яратиб берди. Мазкур сайловлардан кейин Ўзбекистон парламенти ва сиёсий партиялар фаолиятини кузатиш орқали уларнинг мамлакатингиз сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётидаги, давлат ва жамият ишларидаги ўрни юксалаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ўзбекистонда жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Президент сайловлари тўғрисида эса алоҳида тўхталишни истардим. Мазкур муҳим сиёсий тадбирда юртингизда сайлов тизимининг очиқлиги, ошкоралиги, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик тамойилларига тўла мослиги намоён бўлди.

Президент Ислом Каримов томонидан 2010 йилнинг ноябрида илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатни янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг муҳим стратегияси учун мустаҳкам пойдевор қўйди. Ушбу ҳужжат доирасида Ўзбекистонда барча соҳада кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва тараққий топтириш, демократик бозор ислоҳотлари ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар ўтказиш, уни том маънода инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган институтга айлантириш ва суд ҳокимиятига ҳақиқий мустақиллик берилишига катта эътибор қаратди. Буларнинг натижаси ўлароқ, 2008 йил 1 январда республикада "Хабеас корпус" институти жорий этилди, жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлида ўлим жазоси бекор қилинди. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ тизимини ҳам ислоҳ этишни кўзда тутади. Концепцияни ҳаётга татбиқ қилиш доирасида Ўзбекистон Олий Мажлиси мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунларни қабул қилди. Бундан ташқари, яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ муассасалари фаолиятида замонавий ахборот ҳамда коммуникация технологиялари қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон давлатларнинг тенглиги, куч ишлатмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, тинчликсевар сиёсат олиб бормоқда. Мазкур принциплар мамлакат Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Биз Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги ролини шу йилнинг ўзида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар орқали ҳам кўрмоқдамиз. Келгуси йилда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишларига мезбонлик қилади. Ўйлайманки, буларнинг барчаси мамлакатингизнинг дунё ва минтақадаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига фақат эзгу ниятларни, бардавом тараққиёт ҳамда фаровонлик тилайман. Тинчлик, осойишталик ва мусаффо осмон доимо йўлдош бўлсин.

**«Жаҳон» АА.**

# Ижтимоий шериклик ва манзилли дастурлар

## ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ушбу йўналишдаги тизимни такомиллаштириш, уларнинг турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур самарали рўёбга чиқарилаётир.

Муҳокамаларда қайд этилганидек, юртимизда ижтимоий кўмакка муҳтож уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг, қолаверса, ёлғиз кекса инсонларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, соғлиқни сақлаш муассасаларида малакали мутахассислар томонидан уруш ҳамда меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижада қарийб 118 минг киши соғломлаштирилди, мингдан зиёд нуронийлар — уруш ҳамда меҳнат фронти қатнашчилари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар республикамиз санаторийларига бепул йўлланмалар билан таъминланди. Пенсионер ҳамда ногиронларга ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари тақдим этилди. Маҳалла гузарларида ҳамда уларга яқин жойлашган спорт ва тиббиёт муассасаларида кексалар учун мўлжалланган мунтазам соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилди.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ҳамда ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, — дейди сенатор Хайрулла Ҳикматов. — Кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизнинг том маънода ажралмас қисми ҳисобланади. Бинобарин, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлиши ҳаётий ҳақиқатга айланган. Шу боис юртимизда ёши улуғ инсонлар, айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган дастурлар ижроси самарадорлигини оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ниҳоятда катта бўлаяпти. Бунда, айниқса, жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун муҳим дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" сингари фондлар, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш борасида эзгу ишларни амалга ошираяпти.

Тадбирда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида вазирлик ҳамда идораларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шунингдек, ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" мавзуида видеомулоқот ўтказилди.

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги томонидан "Миллий армиямиз — ҳарбий хизматчиларнинг мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабидир" мавзуида анжуман ташкил этилди.**

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида кўп қаватли тураржой, маҳалла ва мавзеларда видеокузатув тизимларини ўрнатишга оид чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**● Пойтахтимизда уюштирилган тадбирда ОИВ/ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ҳақида сўз юритилди.**

● Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган Соғлом бола ҳафталигида олти ойликдан беш ёшгача бўлган болаларга фойдали микроэлементларга бой бўлган А витамини тарқатилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*



# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## саноат тармоқларининг самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бозорни рақобат бошқаради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Олимжон Тоиров. — Бу нима дегани? Таннархи, таркиби, ҳажми, истеъмолга яроқлилиги, сифати ва бошқа мезонлари харидорга маъқул маҳсулотгина мазкур синовга дош бера олади. Бунга эришиш учун эса саноат корхоналарида ишлаб чиқаришга илм-фан, инновация ютуқларини жадал татбиқ этиш ўта муҳим. Шундан келиб чиқиб, биз мамлакатимиздаги кўплаб саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Ушбу йўналишда эришилган ютуқларнинг тарғиботида эса бундай анжуманларнинг фойдаси ҳам, аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Шу ўринда Иқтисодиёт вазирлигининг Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошираётган "Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш" дастурини алоҳида қайд этиш зарур. Гап шундаки, унинг доирасида тоғ-кон, металлургия, нефть-газ ва кимё саноатида 19 та истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилгач, 98 миллион кВт/соат электр энергияси ҳамда 25 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинди. Яқин келажакда эса яна 36 та янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда саноат соҳасига янги ва замонавий технологияларнинг изчил татбиқ қилинаётгани корхоналарнинг юқори суръатларда ривожланишига туртки бераётир. Бу эса иқтисодиётимизнинг барқарор тараққий этиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Меҳнат муҳофазаси

## Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ушбу масалага бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида ишчи-ходимлар, айниқса, аёллар ва ёшлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан экани алоҳида таъкидланди. Жорий йилда жамоа келишувлари ҳамда шартномалари орқали 247 минг нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига 116 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Бунда ёш оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар харид қилиш, уй-жой қуриш ва йигитларга сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи учун фоизсиз қарз беришга, ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар хусусида ҳам сўз юритилди. Шу мақсадда 4 минг 300 та корхонада меҳнатни муҳофаза этиш аҳволи ўрганиб чиқилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда касаба уюшмалари тасарруфидаги соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Иштирокчилар томонидан ушбу йўналишдаги ютуқлар мамлакатимизда ҳукумат, касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар ўртасида изчил йўлга қўйилган ижтимоий шерикликнинг амалий самараси экани таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, бандлик, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринлари яратиш борасидаги муҳим вазифалар, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасига оид тадбирларни молиялаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Якунда белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар тузиб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШУВЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛИШИ

## йўловчилар манфаатига хизмат қилади

*Жорий йилнинг 27 ноябридан кучга кирган "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун, энг аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб этишда муҳим ўрин тутувчи суғурта бозоридаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат моҳияти, уни амалиётга татбиқ этиш жараёни, умуман олганда, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида "Халқ сўзи" мухбирига тегишли соҳа вакиллари қуйидагиларни сўзлаб берди.*

### ҚОНУН ВА ИЖРО

**Аброр ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Лицензиялаш, ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи:**

— Транспорт-коммуникация соҳаси тобора ривожланиб бораётган ҳозирги даврда йўловчи ташиш соҳасидаги муносабатлар ҳам такомиллашмоқда. Хусусан, кўпгина тараққий топган давлатларда йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилган. Аҳолига кўрсатилаётган хизматларни янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун моҳиятан олиб қараганда, ҳам ташувчиларнинг, ҳам йўловчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди.

Унга мувофиқ, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг ташувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш билан 2 минг 300 дан ортиқ юридик шахс шуғулланаяпти. Агентлигимиз томонидан суғурта компаниялари ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга доир қонунчилик талабларига бағишлаб қатор семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларга йўловчи ва юк ташиш билан шуғулланувчи икки мингга яқин иштирокчилар қамраб олинди.

Таъкидлаш жоизки, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг ташувчилар томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликни ва мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигини назарда тутган моддалар билан тўлдирилди.

Жойларда ўтказилган тушунтириш ишларида шу ва бошқа муҳим жиҳатларни жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилганимиз ўз самарасини бераяпти. Автомобиль транспорти орқали йўловчилар ҳамда юк ташиш лицензиясига эга юридик шахслар муайян суғурта компанияси билан ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома тузгани ҳақидаги маълумотларни олмоқдамиз. Бошқача айтганда, қонун ижроси доирасидаги ишлар қизғин бошлаб юборилган.

**Олимжон ДЖАМИРЗАЕВ,**
**"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Мажбурий суғурта турлари департаменти бош менежери:**

— Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори асосида микромолиялаш соҳасини ҳамда нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича муайян чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун ана шу қарор талабларига уйғундир.

Янги Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, унда йўловчиларнинг тўлақонли суғурта ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларнинг мулкига етказилган зарарни қоплаш масаласи ҳам назарда тутилган. Қонунда барча турдаги транспорт воситалари ва барча турдаги ташишни амалга оширувчи ташувчилар қамраб олинган. Бунда ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги юзага келган чоғдаги мулкий манфаатлари ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади. Ташувчи, суғурталовчи, йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, суғурталовчиларга нисбатан алоҳида талаблар белгиланган. Хусусан, суғурталовчи тегишли лицензияга эга бўлиши зарур. Ўз навбатида, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишга, ташувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг суғурта товони ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта товонини амалга оширишга ваколатли филиаллари бўлмоғи керак.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бўлиб, битта йўловчига 11 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорида, улардан 10 минг АҚШ доллари йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига, бир минг АҚШ доллари эса унинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун йўналтирилган. Шартноманинг амал қилиш даврида суғурта суғурталовчи томонидан тўланса, суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорида камайтирилади.

Ҳозирги кунда ҳаммамиз, озми-кўпми, ана шу ташувчилар хизматидан фойдаланамиз. Демак, янги Қонундаги қоида ва меъёрларни нафақат муайян соҳа вакиллари, балки барчамиз чуқур билишимиз айни муддаодир. Шунга кўра, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси мазкур Қонун моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режасини амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг август — ноябрь ойларида Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда ташувчилар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва суғурта компаниялари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. "Тошшаҳартрансхизмат", трамвай деполари, Тошкент вилояти автотерминаллар ва автоташувчилар ассоциацияси ҳамда қатор ташувчилар иштирокида ташкил этилган семинарларда юқорида келтирилган маълумотлар ва суғурта тизимидаги бошқа янгиликлар батафсил тушунтирилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ривожланган давлатларда суғурта хизмати зарур ҳаётий эҳтиёжга айланган. Шу боис ҳам фуқароларнинг ўзи бу борада ташаббускор ҳамда фаол бўладилар. Эътиборлиси, бугунги кунда жамиятимизда ҳам ана шундай кўникма шаклланмоқда. Хусусан, ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши йўловчи ташиш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳада иш юритаётган корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва мулкий манфаатларини ҳимоялашда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**Фарида МАҲКАМОВА**
**ёзиб олди.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Ўзбекистон — қишлоқ хўжалигида кўп йиллик бой тажриба ва юксак салоҳиятга эга мамлакат. Бу, соҳа истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли янада яққолроқ намоён бўлиб, давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзу баракаси, экспорт салоҳияти ошишига хизмат қилмоқда. 2015 йилда 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилгани, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режалар муваффақиятли уддалангани буни тасдиқлаб турибди.*

Таҳлилларга қараганда, бугунги кунда фермер хўжаликларига лизинг асосида 56 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси тақдим этилаяпти. Уларнинг барчаси юртимизда ишлаб чиқарилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Чиндан ҳам, эндиликда деҳқон ва фермерлар ерни чуқур юмшатгичлар, сеялкалар, роторли ўт ўриш, ўғит солиш, ғўзани чеканка қилиш мосламалари, чопиқ, ҳайдов ҳамда транспорт тракторлари, экскаватор-юклагичлар ва бошқа жиҳозларни четдан сотиб олишларига эҳтиёж қолмади. Хусусан, "Агромаш саноат инвест" корхонасида Жанубий Кореянинг "LS Mtron Ltd" компанияси билан ҳамкорликда "TTZ-100HC" русумли чопиқ, "LS1004" ва "LS Plus" русумли ҳайдов тракторлари, "Агрегат-Агротех" корхонасида Франциянинг "КЮН" фирмаси кўмагида "GMD-280 HD" русумли ем-хашак ўриш, "Easyspread" русумли органик ўғит сочиш агрегатлари, "Planter 3M" русумли дон экиш техникаси ҳамда "MC-90S Twin" русумли маккажўхори ўриш комбайнлари тайёрлана бошланди.

Бундан ташқари, "Lemken Chirchiq" қўшма корхонасида "Evropal" русумидаги 2, 3, 4 ва 5 корпусли омочлар, "Saphir" русумли дон экиш сеялкаси, "Rubin 9/300" русумли борона, "Karat 9/300" русумли культиваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларнинг илгари эски технология асосидаги турдошларига нисбатан устун жиҳатлари кўп. Аввало, мустаҳкам ҳамда сифати юқори, техник талабларга тўлиқ мос келади. Шунинг учун уларга лизинг асосида буюртма берувчилар сони тобора ортмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик тармоғи ҳам жадал суръатларда ривожланаётир. Фақат кейинги уч йил давомида интенсив боғлар майдони қарийб 50 фоиз кенгайгани, мевали дарахтлар ораларига ишлов бериш тракторлари ва бошқа ускуналарга бўлган талабни оширмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, компания томонидан юртимизда ишлаб чиқарилаётган "G38", "TT-40" ва "U 62" русумли кичик тракторлар, "VP-1M" ҳамда "ОРПД-12М" кимёвий пуркаш агрегатлари лизинг асосида тавсия этилаяпти.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигида изчил татбиқ қилинаётган маҳаллийлаштириш лойиҳалари эса нафақат ихчам машина ва ускуналар тайёрлаш, балки йирик техника воситалари ишлаб чиқаришда қўл келмоқда. Республикамизда хорижий давлатлар иштирокида ташкил этилган "UzClaasAgro", "UzCasetractor", "UzCasemash" қўшма корхоналари фаолияти бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, улар томонидан халқаро сифат стандартларига тўла жавоб берадиган "Dominator 130" ва "Tucano 430" ғалла ўриш комбайнлари, "Arion 630C", "T6070" ҳамда "ТД 5.110" русумли ҳайдов тракторлари, "Jaguar 850" маккажўхори ўриш комбайнлари буюртмачиларга етказиб берилаётир.

Бундай йирик техникаларни йиғиш, табиийки, мураккаб технологик жараёнга асослангани сабаб малакали мутахассислар ва юксак иқтисодий салоҳият мавжудлигини тақозо этади. Ўзбекистонда ушбу омиллар борлиги соҳа ривожида янги уфқларни очмоқда. Айтайлик, битта тракторни йиғиш учун 12 мингтадан ортиқ деталь, бутловчи буюм ҳамда эҳтиёт қисмлар зарур. Ҳозирги кунда кабина, эшик ойналари, руль чамбараги, ўриндиқ, шунингдек, пластмасса жиҳозлар каби кўплаб зарур қисмлар шу ернинг ўзида тайёрланаётгани, қолганларини эса босқичма-босқич ўзлаштириш чоралари кўрилаётгани диққатга сазовордир.

— Сир эмаски, "Claas" компаниясининг комбайнлари, тракторлари, хашак ўриш ва йиғиш машиналарига, "Lemken" фирмасининг омочлари ҳамда тупроққа ишлов берувчи бошқа техникаларига юртимизда талаб юқори, — дейди "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг бўлим бошлиғи Элмурод Қурбонов. — Шу жиҳатдан бу каби техникалар мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, лизинг асосида тақдим қилинаётгани — қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар учун катта имконият. Мисол учун, ғалла ўриш комбайнларини бошқариш жуда қулай, кабинаси шовқинни пасайтириш, совитиш тизими билан жиҳозланган. Яна бир афзаллиги шуки, унумдор ҳамда тежамкор.

Биз фермерларнинг қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талабларини мунтазам равишда жойида ўрганиб бораяпмиз. Бу эса импорт ўрнини босувчи янги техникаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, лизинг хизматларини янада такомиллаштиришни таъминламоқда.

# АГРАР СОҲА ИСТИҚБОЛИ

## деҳқон ва фермерларнинг замонавий техникалар билан таъминланишига бевосита боғлиқдир

Соҳа самарадорлигининг, айтиш жоизки, ўзига хос кўплаб омиллари бор. Шулардан бири аграр тармоқда етакчи куч сифатида майдонга чиққан фермер хўжаликларини замонавий техникалар билан таъминлаш даражаси ортиб бораётгани билан боғлиқ. Зотан, қишлоқ хўжалиги истиқболини юқори унумли, тежамкор техника ҳамда агрегатларсиз тасаввур этиш мушкул. Чунки ер майдонларини экин-тикин мавсумига сифатли тайёрлаш, уруғ сепиш, вақтида парваришлаш, ҳосилни нест-нобудсиз йиғиштириб олиш жараёни, авваланбор, техника кучи билан амалга ошади. Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги "2012 — 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги қарори бу борада, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга биноан, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси томонидан кўрсатилаётган лизинг хизматлари кўлами йил сайин кенгаймоқда. Натижада республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари, муқобил машина-трактор парклари, шунингдек, бошқа тегишли тузилмалар тубдан янгиланаётир. Компания саъй-ҳаракати билан 2001 — 2014 йиллар мобайнида умумий қиймати бир триллион 400 миллиард сўмликдан зиёд 52 минг 154 та техника воситаси лизинг асосида етказиб берилгани бунинг исботидир.

— Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликларини техникалар билан таъминлашнинг қулай ва самарали усули лизингдир, — дейди компания бошқаруви раисининг ўринбосари Баҳодир Рўзметов. — Молиявий хизматларнинг ушбу тури имтиёзли шартларда, узоқ муддатга тақдим этилади. Бизнинг компания фаолияти қишлоқ хўжалиги тармоқларини барча турдаги техникалар билан таъминлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, жамоамиз томонидан изчил чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли лизинг хизматларини кўрсатиш кўлами бўйича юртимизда етакчилардан биримиз.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ҳудудий филиалларимиз фаолият юритаяпти. Бу лизинг лойиҳаларини мамлакатимизнинг исталган ҳудудида амалга ошириш имконини яратмоқда. Пировардида жорий йилнинг тўққиз ойида мижозларга 3 минг 383 та қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бердик. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20,5 фоиз кўпдир.

Мухтасар айтганда, юртимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини тараққий топтириш, лизинг бозорини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар юксак самараларини бераётир. Муҳими, улар деҳқон ва фермерларимизнинг оғирини енгил қилиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан баракали ҳамда сифатли ҳосил етиштиришга кўмаклашаяпти.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Франция Миллий статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, жорий йилнинг учинчи чорагида ушбу мамлакат ялпи ички маҳсулоти 0,3 фоиз ўсди.*

## Ижобий натижа



Бу натижа аввалроқ таҳлилчилар билдирган тахмин билан деярли бир хил. Ўз навбатида, июль — сентябрь ойларида истеъмол харажатлари ҳам шунча миқдорда ошган. Лекин экспорт 0,6 фоиз қисқарган. Ваҳолонки, иккинчи чоракда ташқи савдо кўрсаткичи 1,9 фоиз ортган эди.

Еврокомиссия прогнозига кўра, 2015 йилда Францияда ЯИМ ҳажми 1,1 фоиз ўсади. Агар бу амалда ўз тасдиғини топса, 2012 йилдан бери қайд этилган энг яхши кўрсаткич бўлади.

## Камчиликлар бартараф этилади

*АҚШнинг "Ford" автомобилсозлик компанияси Шимолий Америка давлатларида сотилган 300 мингдан ортиқ машинасини қайтариб олади.*



Манбада айтилишича, улардан асосий қисми 2003 — 2005 йилларда ишлаб чиқарилган "Ford Crown Victoria" ва "Mercury Grand Marquis" русумларидир. Гап шундаки, мазкур автоуловлардаги ёритқичларни бошқариш модулларида нуқсонлар борлиги аниқланган. Бу камчилик чироқларни электр билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатиб, транспорт воситасини қоронғида бошқаришда хавф туғдириши мумкин.

Шунингдек, 177 та "Ford F-650" ва "Ford F-750" моделларининг тормоз тизимида носозлик борлиги аниқланди. Бундан ташқари, компания 3 мингдан зиёд "Ford F-150 SuperCrew"нинг хавфсизлик камарларини алмаштириб беради.

"Ford" маъмурияти мазкур автомашиналар компаниянинг АҚШ ва Канададаги дилерлари томонидан бепул тузатиб берилишини билдирди.

## Музейда ёнғин

*Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги музейлардан бирида ёнғин рўй берди.*



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, олов зиё масканининг учинчи қаватини тўлиқ қамраб олган. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар туфайли у бартараф этилди. Аммо ушбу жараёнда ўт ўчирувчилардан бири ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозирча воқеанинг келиб чиқиш сабаби аниқ эмас.

## Қаҳванинг яна бир хусусияти

*Бир кунда беш мартадан қаҳва ичиш инсон умрини узайтиради.*



Бундай хулосани АҚШ давлат онкология институти олимлари маълум қилишди. Уларнинг билдиришича, қаҳва таркибидаги биологик фаол компонентлар, жумладан, фенол кислотаси, калий ва кофеин моддалари кишига қувват бағишлаб, ишчанлик кайфиятини оширади. Шу билан бирга, қаҳва саратоннинг баъзи кўринишларини йўқ қилиш хусусиятига ҳам эга экан.

Мазкур илмий тадқиқот ҳақида "Американинг эпидемиология журнали" номли нашрда батафсил ўқиш мумкин.

## Мураббийликка номзодлар

*Испаниянинг "Реал Мадрид" футбол клуби Янги йилни янги бош мураббий билан кутиб олиши мумкин.*

Айни кунларда маҳаллий матбуотда шу мавзуда турли хабарлар тарқатилмоқда. Бунга жамоа аъзоларининг ҳозирги бош мураббий Рафаэль Бенитес билан чиқиша олмаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилаяпти. Унинг ўрнига франциялик машҳур спортчи Зинедин Зидан тайинланиши мумкин. Номзодлар орасида, шунингдек, Англиянинг "Челси" клубидан истеъфога чиқарилган Жозе Моуриньо ҳам бор.

Бу хабарлар ҳақиқатга қанчалик яқин экани ҳозирча аниқ эмас.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Кичик бизнеснинг ҳиссаси

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очиб берилаётгани натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида биргина Фарғона вилоятида 1767 та янги хўжалик юритувчи субъект ташкил этилди. Айни пайтда ҳудудда иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми мазкур тармоқда фаолият кўрсатаётган бўлса, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг улуши 63,8 фоизга етди.*

ИСЛОҲОТ

Шу билан бирга, ҳудудда саноат салоҳиятини юксалтириш, ишлаб чиқаришни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш мақсадида ўтган даврда умумий қиймати 150,7 млрд. сўмлик 541 лойиҳа амалга оширилди. Фарғона шаҳридаги "Тож" хусусий корхонаси шундай лойиҳалардан бири бўлиб, бугунги кунда бу ерда 30 хилдан зиёд махсус либослар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Гап шундаки, банкдан ажратилган 100 млн. сўмлик кредит эвазига мазкур корхонада техник ва технологик янгиланиш тадбирлари амалга оширилгач, нафақат унинг фаолият кўлами кенгайтирилди, балки қўшимча 20 та иш ўрни ҳам яратилди.

— Шу йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга 100 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб бердик, — дейди корхона раҳбари Гулчеҳра Охунова. — Ҳозирги кунда эса янги бизнес-режа асосида қўшимча бинони таъмирлаб, керакли жиҳозларни ўрнатаяпмиз. Бу лойиҳа якунланса, яна 50 киши иш билан таъминланади.

Таъкидлаш керакки, Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор оилавий корхоналар сони тобора кўпайишига ҳам туртки бераяпти. Масалан, Ёзёвон туманидаги Мавжудахон Қосимова раҳбарлик қилаётган "Алижонов Аҳмадилло" оилавий корхонасида сифатли, бежирим ҳамда арзон, энг муҳими, маҳаллий иқлим шароитига мос спорт ва махсус ишчи либослари, аёллар кийим-кечаклари тикилиб, ички бозорда сотилмоқда.

— Корхонамиздаги 10 дан зиёд иш ўринларига, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб этганмиз, — дейди тадбиркор. — Январь — ноябрь ойларида қўли гул чевар қизларимиз томонидан тайёрланган 30 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулотлар аллақачон ўз харидорини топишга улгурди. Маҳсулотларимизга буюртмалар сони ортиб, ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётгани сабабли, миллий қадриятлар, замонавий мода ва дизайн борасидаги анъаналарни ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Қисқаси, Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал тараққий этмоқда. Бу, албатта, соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар самарасидир.

**Набижон СОБИРОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ



Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун
қурилиш техникаси
махсус транспорт
қурилиш асбоблари
кичик механизация воситалари
технологик жиҳозлар
Лизинг 1 йилдан 5 йилгача
Ижара 1 йилгача
Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз!
Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2016 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР: Маҳсулот сертификатланган.
— «YTO C1402» РУСУМЛИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР;
— КОМПОЗИТ АРМАТУРА УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ
ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
— БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
— РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР;
— ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧ.

«СБР-170А»
Бетонқоргич «СБР 800»



АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ

Бўёқчилик аппарати «АМ-01»
Тош кесувчи ускуна «СК-350/600»



Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.
www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru

Т.: (0-371) 250-73-14, 250-51-04, (+99890) 958-61-61.
Факс: (0-371) 250-51-04.




1731R/815

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**I.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 10 январдаги 2-02/73-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ўткирбек Абдувоҳид ўғли» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Тутзор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, ер майдони 26 784 кв.м., қурилиш майдони 2047,32 кв.м. бўлган тўй ва тантанали маросимлар («Тожмаҳал» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 059 505 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 182 333 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 январь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 8 январь куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Қамаши тумани СИБ томонидан ЖИБ Қамаши тумани судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 1-141-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Навбаҳор» МЧЖга қарашли, Қамаши шаҳри, Нодира кўчасида жойлашган, 2 қаватли, ер майдони 2456,0 кв.м., қурилиш майдони 729,26 кв.м. бўлган «Навбаҳор» универмаги биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 597 622 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 22 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1907A/02

Лицензия: RR-0001.

## Маданият хабарлари



Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш мақом ижрочиларининг республика танлови бошланди.

### Мумтоз санъат сеҳри

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилаётган мазкур ижодий беллашувда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган иқтидор эгалари ўз маҳоратини намойиш этаяпти.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлодни миллий анъана ва қадриятларимиз, бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ушбу йўналишда халқимизнинг беназир номоддий маданий мерос намуналаридан самарали фойдаланиш, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва фаолиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Танловнинг қуйи босқичлари жорий йилнинг 23 октябрь — 14 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилиб, унда 18 ёшдан 31 ёшгача бўлган 454 нафар ижодкор қатнашди.

**Дилмурод АБДУРАИМОВ.**

### Эҳтиром намунаси

*Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида “Кексаси бор уйнинг файзи бор” деб номланган фотокўргазма очилди.*

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда А. Жумаев, Р. Шарипов, В. Шлосберг, Р. Шагаев, Ҳ. Пайдоев, А. Абдуллаев, С. Ўрмоновнинг фотосуратлари намойиш этилмоқда. Ушбу асарларда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, шунингдек, хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган отахон ҳамда онахонларимизга кўрсатилаётган юксак эъзоз ва эҳтиром ўз аксини топган.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

### Баркамол авлод — юрт келажаги

*Пойтахтимизда “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятининг долзарб вазифаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.*

Унда Халқ таълими вазирлиги вакиллари, “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлари, педагог-ходимлар ва ёшлар иштирок этди.

Бугунги кунда республикамизда 211 ана шундай марказ фаолият кўрсатаяпти. Уларда ташкил қилинган 5 мингдан ортиқ тўгаракларга 114 мингдан зиёд ўқувчилар қамраб олинган.

Тадбирда мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва турли кўрик-танловларни уюштириш орқали иқтидорларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

*Пойтахтимизда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан уюштирилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзуидаги ҳуқуқий тарғибот лойиҳаси якунлари, “Парламентаризм билимдони” ҳамда “Конституция билимдони” онлайн танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# Танлов ғолиблари аниқланди



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ўқувчи ва талабалар қатнашган тадбирда навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллигини оширишга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини юксалтиришда дастуриламал бўлаётир.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзуидаги ҳуқуқий тарғибот ойлигидан кўзланган мақсад Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш орқали ёшларнинг билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлашдан иборатдир. Лойиҳа доирасида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари “Тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида мактаб, лицей, коллеж ва маҳаллаларда бўлиб, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб борди. Ўтказилган ўн икки мингдан зиёд тадбирда бир ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди.

Ойликда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг test.kamolot.uz сайти орқали “Конституция билимдони” танлови уюштирилиб, унда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўн мингдан зиёд ватандошимиз қатнашди. Ҳаракатнинг pb.2015.uz сайти орқали эълон қилинган “Парламентаризм билимдони” танловида эса 136 минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этганлиги диққатга сазовордир.

— Конституциямизнинг ҳар бир юртдошимиз, жумладан, биз, ёшларнинг ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда катта, — дейди “Конституция билимдони” онлайн танловининг биринчи ўрин соҳиби Алишер Давлетов. — Илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, ишлаш имкониятлари бу муҳим ҳужжатда қонуний кафолатланган.

Тадбирда тарғибот ойлигида фаол қатнашган талабалар, танловлар ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Шижоат ва нафосат уйғунлиги

*Навоийда “Гимнастика барча учун” спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

## СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 17 жамоа қатнашди.

Мусобақанинг очилиш маросимида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани таъкидланди.

“Гимнастика барча учун” беллашуви ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Чунки гимнастрадада кўплаб спорт турларининг фойдали жиҳатлари мужассамлаштирилган. Хусусан, бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин, замонавий рақс, фитнес каби машғулотлар уйғунлаштирилгани туфайли ҳам унга қизиқиш юқори. Қолаверса, гимнастрада билан шуғулланиш учун ёш чегараланмайди.

Мусобақада 14 ёшгача бўлган қизлар, аралаш ва 45 ёшдан юқори бўлган аёллар жамоалари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ҳамда гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди. Якунда Зарафшон шаҳрининг (Навоий вилояти) “Fanky Dance” жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Қолаверса, бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2016 йил 8 январь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, «Мадина» мебель цехида жойлашган «Гунгон» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 524 843 537 сўм.***

**2.** Қарши шаҳри, Ғафур Ғулом номидаги МФЙ, Ғузор кўчасида жойлашган савдо базаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 260 622 847 сўм.***

**3.** Қарши шаҳри, Қизил мачит кўчасида жойлашган бир қаватли маъмурий бино ва омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 271 028 242 сўм.***

Талабгорлар юқоридаги кўчмас мулклар билан Қарши шаҳар СИБ вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2016 йил 6 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ва аукцион савдосини ўтказиш манзили:**
**Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4-уй.**
**Телефон: (0-375) 227-20-28.**

Хизматлар лицензияланган.

1900R/34



### «АСАКА» банки

**қуйидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича инвесторлар, харидорлар ва буюртмачиларни таклиф этади:**

— «TO‘RTKO‘L OMAD TEKSTIL» МЧЖ (трикотаж матолари ва тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш).
Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Қирққиз кўчаси, 3-уй.
— Собиқ «АГРО ИНТЕР СОФТ» ҚК (йодланган туз ишлаб чиқариш).
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Байроқтол кўчаси.
— «OSIYO ASAKA MODEL» МЧЖ (аёллар пойабзали ишлаб чиқариш).
Манзил: Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124-уй.
— Собиқ «БИООРГАНИК» ҚК (органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш).
Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Саъдий кўчаси.

**Корхоналарда дунёда таниқли бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий ускуналари ва технологик линиялари ўрнатилган.**

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: (+99871) 120-39-84, 120-39-86, (0-361) 532-25-18, (+99890) 275-33-66, (+99890) 394-50-00. E-mail: contact@asakabank.com**

Хизматлар лицензияланган.

1902A/635



### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

Лицензия RR-0001.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.



### «TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
### «UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси

махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.

махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.












Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
**Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.**
**E-mail: doosansales@uztow.com**

**Сервис хизмати**
**Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.**
**E-mail: servicedoosan@uztow.com**

115R/69



### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 14 майдаги 1-2289-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчасида жойлашган, «Бунёд Термиз Файз» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 899,26 кв.м. бўлган (А, Б-литердаги) 13 хонадан иборат савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 252 620 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 июндаги 19-1306-3113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, Сариқ шаҳарча, Рабатак маҳалласида жойлашган, «Қизириқпахта» АЖга тегишли, умумий майдони 936,0 кв.м. бўлган, 21 хонадан иборат маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 299 500 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2014 йил 15 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, ер майдони 718,0 кв.м. бўлган, Денов шаҳри, Шерозий кўчасидаги 24-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 17 824 545 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 1 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 29 январь куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 июлдаги 19-1303/11949-сонли, 2014 йил 18 мартдаги 19-1407/921-сонли, 2012 йил 4 апрелдаги 19-1208/1270-сонли ва ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 26 январдаги 846-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Бўстон» ҚФЙ, Зарбдор маҳалласида жойлашган, Хўжойпок туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* Ер майдони 138,10 кв.м. бўлган, 12 хонадан иборат, 1 қаватли маъмурий бино 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 31 840 085 сўм.***

* Ер майдони 132,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, қурилиши тугалланмаган бино 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 16 509 986 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 24 апрелдаги 19-1502/2991-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласида жойлашган, «Алланик чорва» МЧЖга тегишли, умумий майдони 42,92 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг «Трастбанк» ХАБ Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Телефон: (0-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz**

Лицензия: RR-0001.

1899R/02



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.35** 1 2 3 4 5